

## Х У С У С И Й А Ж Р И М

2002 йил сентябрь ойи 05 кунни жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судининг судьяси А.Очилов Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Тугрисидаги Кодекснинг 194 моддасининг 1 қисми, 183 моддаси билан жавобгарликка тортилган М.И.Тожибоевнинг Маъмурий иши буйича унинг кассация тартибда келтирган шикоят аризасини куриб, куйидагиларни

### А Н И К Л А Д И :

М.Тожибоева 2002 йил 01 июлда милиция ходимларининг қонуний талабларига буйсунмасдан фуқаро Т.Зайлоповни ҳақорат қилган деб жиноят ишлари буйича Қирғули туман судининг 2002 йил 31 июлдаги қарори билан Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Тугрисидаги Кодекснинг 194 моддаси 1 қисми, 183 моддаси билан МЖТКнинг 21 моддасига асосан огоҳлантирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга қараганда, М.Тожибоева утирган А.Болтаев бошқарувидиҳи автомашина Қирғули туман Ички Ишлар бўлими ходимлари томонидан тухтатилиб, ҳайдовчи А.Болтаевдан автомашинани руйхатдан утқазиб талаб қилинган. М.Тожибоева автомашинадан тушиб автомашинани тухтатилиши сабабларини сураганида милиция ходимлари Й.Сойнаев ва С.Тиллаевлар унга нисбатан ҳақоратли сузлар айтиб қулидаги диктафонни жисмоний қуч ишлатиб олиб қуймокчи бўлганлар. М.Тожибоева милиция ходимларининг ҳаракатидан норози бўлиб улар билан гап талашиб жанжаллашиб кетади. Милиция ходими Й.Сойнаев М.Тожибоевани Қирғули туман Ички Ишлар бўлимига олиб келади. М.Тожибоева Қирғули туман Ички Ишлар бўлимида 2002 йил 02 июлга утар кечаси билан ушлаб турилади.

Суд, ушбу маъмурий ишни қуриш жараёнида милиция ходимлари томонидан Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Тугрисидаги Кодекснинг 284, 288 моддалари талаблари қупол равишда бўзилганлигини аниқлади. М.Тожибоева Қирғули туман Ички Ишлар бўлимига етарли асослар бўлмагани ҳолда олиб келинган ва Ички Ишлар бўлимида асоссиз ушлаб турилган. М.Тожибоевнинг уз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб милиция ходимлари билан жанжаллашишини милиция ходимларини қонуний талабларига буйсунмаслик, майда безорилик деб баҳолаб бўлмади. Бундан ташқари М.Тожибоева айнан шу қуни «Енгил» тан жароҳати олганлиги аниқланди.

Қирғули туман Ички Ишлар бўлими ходимлари қонунга зид ҳаракатларини муҳокама қилиб, айбдор шахсларга тегишли чора қуриш лозим бўлади.

Юқоридагиларга қура Узбекистон Республикаси МЖТКнинг 313 моддаси, Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 298, 299 моддаларини қуллаб, суд

### А Ж Р И М К И Л Д И :

Ушбу ҳусусий ажрим нусхасини муҳокама қилиб, айбдор шахсларга тегишли чора қуриш учун Фаргона Вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг бошлиғи А.Тошходжаевга юборилсин.

Натижаси ҳақида қонунда қурсатилган муддатда жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига ҳабар қилинсин.

Жиноят ишлари буйича  
Фаргона вилоят судининг  
Судьяси :-



А.ОЧИЛОВ